

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ**

НАБИЕВ АЙДЕР МУСТАФАЕВИЧ

**ТЕРИ ХОМ АШЁСИГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ УЧУН
ВАЛИКЛИ МАШИНАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Набиев Айдер Мустафаевич

Тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун валикли машинани
такомиллаштириш 3

Набиев Айдер Мустафаевич

Совершенствование валковой машины для механической обработки
кожевенногополуфабриката 23

Nabiev Ayder Mustafaevich

Improvement of the roller machine for mechanical processing
of leather semi-finished products 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ

НАБИЕВ АЙДЕР МУСТАФАЕВИЧ

ТЕРИ ХОМ АШЁСИГА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ УЧУН
ВАЛИКЛИ МАШИНАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва
робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/Т738 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бахадиров Ғайрат Атаханович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шин Илларион Георгиевич
техника фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Фарход Хайруллоевич
PhD

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 – рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» апрель соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5 уй. Тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс:253-36-17; e-mail: titl_info@edu.uz. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-кават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (131 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5 уй, тел.(+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» март куни таркатилди.

(2022 йил «18» мартдаги 131 рақамли реестр баённомаси).



И.К. Сабиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори

А.З. Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р. Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тери хом ашёси, чарм, чарм пойабзаллар ишлаб чиқариш халқаро савдода муҳим ўринга эгадир. «Дунё миқёсида йирик ва майда шоҳли хайвонларнинг терисини ишлаб чиқариш йиллик ҳажми 1700 км² дан ортиқроқ эканлигини ҳисобга олсак»¹, тайёрланаётган тайёр чармнинг сифат даражаси юқори бўлишини таъминлайдиган технологик машиналарни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилишини тақозо этади. Шу жиҳатдан, юқори кўшилган юқори қийматга эга сифатли чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, тери хом ашёсига ишлов берувчи юқори самарадор усуллар ҳамда валикли технологик машиналардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тери хом ашёсига ишлов берувчи юқори самарадор валикли технологик машиналарнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тери хом ашёсига ишлов бериш технологик жараёнларида юқори самарадорликни таъминлайдиган усулни ва валикли технологик машинани ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда технологик жараённинг параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда тери хом ашёсини ишлаб чиқаришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ишлов беришда технологик жараёнларнинг самарадорлигини оширадиган юқори самарадор техника ва усулларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «... чарм маҳсулотидан пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотлари, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, тайёрланадиган чарм маҳсулотлари учун тери хом ашёсига сифатли ишлов бериш билан бирга, технологик талабларни бажарадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 8 февралдаги ПҚ–4982-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

¹<https://sber.pro/publication/kozhandi-profitit-kak-kozhevennaia-otrasl-perezhivaet-pandemiiu>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тери хом ашёсига ишлов бериш усуллари ва валикли машиналарни такомиллаштириш ва уларнинг самарадор конструкцияларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда, Т.Witt (Германия), S.Ponsubbiah (Ҳиндистон), L.Olle (Испания), И.В.Дарда, С.П.Поломошных, И.Р.Татарчук, Н.Г.Владыкин, М.Ю.Берселева, Ю.М.Калашникова, В.Т.Прохоров, Д.В.Рева (Россия), Ш.А.Койайдаров (Қозоғистон) шуғулланишган. Тери хом ашёсининг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида технологик машиналарни ишлаб чиқиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича А.Данилкович (Украина), Y.Zhang, S.J.R.Kelly, Katie H.Sizeland (Янги Зеландия), И.Ш.Абдуллин (Россия), М.Ш.Шардарбек (Қозоғистон) ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Тери хом ашёсига ишлов берувчи технологик машиналарини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар В.Д.Раднаева, А.В.Островская, В.И.Беляев, В.А.Иванов, Ю.Н.Коротченко, С.В.Ершов, К.Ю.Островский, Л.А.Каплин, А.В.Подъячев, В.В.Сторожев, А.Г.Бурмистров (Россия) ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда тери хом ашёси, чарм ва пойабзалларга ишлов бериш жараёнлари ва уларда қўлланиладиган технологик машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар Т.Ю.Аманов, Г.А.Бахадиров, К.Н.Анарбеков, А.Абдукаримов, Ш.Р.Хуррамов, Г.Н.Цой, К.Хусанов, Т.Ж.Кодиров, У.М.Максудова, Ф.У.Нигматова, М.К.Расулова, С.Максудов, И.Г.Шин, Д.И.Шин ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган технологик машиналар чарм саноати ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо ҳўл тери хом ашёсидан ортиқча суюқлигини сиқиб чиқарадиган юқори самарадор валикли машинани ишлаб чиқиш ва унинг ишчи режимларини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АЗ-ФА-0-17872/АЗ-ФА-Ф056 «Жиннинг ва кўнчиликдаги сиқувчи, текисловчи валли машиналарнинг ишчи механизмларининг янги конструкцияларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш» ва АЗ-К-3-017+К-5-002 «Валли технологик машиналарнинг юқори унумдор, ресурстежамкор қурилма ва механизмларини ишлов берилаётган материал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва яратиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун валикли сиқувчи машина конструкциясини такомиллаштириш ва уни самарадорлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тери хом ашёларни вертикал узатиб сиқиш мақсадида валикли машина конструкциясини такомиллаштириш учун назарий ва экспериментал асосларини ишлаб чиқиш;

тери хом ашёси ва намликни шимувчи материалларнинг деформацион хоссаларини тажрибавий аниқлаш;

вертикал узатишда сиқувчи валларини босими қийматлари, ўтказиш тезлиги, сиқиш такрорийлиги ва тери хом ашёси қалинлигига боғлиқ ҳолда сиқиб чиқарилган суюқлик миқдорини аниқлаш;

икки қатламли тери хом ашёларини сиқувчи валлар орасидан бир вақтда ўтказилганда улардан сиқиб чиқарилган суюқлик миқдорини экспериментал аниқлаш ва натижаларни технологик жараённинг самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тери хом ашёсига механик ишлов бериш технологик жараёни ва уни амалга оширадиган валикли машина олинган.

Тадқиқотнинг предмети тери хом ашёсига механик ишлов бериш технологик жараёнини ифодаладиган аналитик боғланишлар ва математик моделлар, валикли машинанинг ишчи режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика қонуниятлари, хусусан, Лагранжнинг иккинчи тур тенгламалари, математик статистика, тажрибаларни режалаштириш ва натижаларини қайта ишлаш, чарм саноати технологик машиналарини лойиҳалаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳўл тери хом ашёсини валлар орасидан вертикал узатишда ундаги ортиқча суюқлигини самарали сиқиб чиқаришни таъминладиган янги усул ҳамда уни амалга оширувчи валикли машина ва унинг механизмлари конструкциялари ишлаб чиқилган;

сиқувчи валларнинг босими, узатиш тезлиги ва сиқиш такрорийлигига ҳамда тери хом ашёси қалинлигига боғлиқ ҳолда ҳўл тери хом ашёсини вертикал узатишда ундан сиқиб чиқарилган ортиқча суюқлик миқдорини аниқлашнинг математик моделлари ишлаб чиқилган;

икки қават ҳўл тери хом ашёлари сиқувчи валлар орасидан бир вақтда ўтказилганда сиқувчи валларнинг босими, узатиш тезлигига боғлиқ ҳолда улардан сиқиб чиқарилган ортиқча суюқлик миқдорини ҳисоблаш формуллари келтириб чиқарилган;

таянч плитада вертикал узатилаётган тери хом ашёсининг вал жуфтлиги орасидан узатилишининг ҳаракат тенгламалари келтириб чиқарилган ва ишчи валлар радиусининг ўзгариши ишлов берилаётган тери маҳсулотини камров бурчагига боғлиқлик муносабатлари ишлаб чиқилган;

валикли машинанинг айланувчи сиқувчи валлари орасидан таянч плитага букланган ҳолда жойлаштирилган тери хом ашёсини тортиб олиш шартлари аниқланган ва параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир неча қатламли тери хом ашёларинининг ортиқча суюқлигини бир вақтда сиқиб чиқариш усули ва уни амалга оширувчи юқори самарадор валикли машина ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган машинада бир неча қатламли тери хом ашёларининг ортиқча суюқлигини бир вақтда сиқиб чиқариш ҳисобига технологик жараённинг самарадорлиги ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун валикли тажриба машинасининг экспериментал стенди синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти валикли машинада тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун иш режимлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шу каби технологик жараёнларни тадқиқ этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такомиллаштирилган конструкциядаги валикли машинада бир неча қатламли тери хом ашёларга механик ишлов бериш ҳисобига технологик жараённинг самарадорлигини оширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун валикли тажриба машинасининг параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ҳўл тери хом ашёларидан намликни сиқиб чиқарувчи валикли машинанинг такомиллаштирилган конструкциялари ва усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро ва фойдали моделларига (№IAP 04451, 2011 й., №FAP 01417, 2019 й., №FAP 00685, 2012 й., №FAP 00686, 2012 й.) патентлари олинган. Натижада тери хом ашёсига механик ишлов берувчи валикли машина конструкцияси такомиллаштирилиб, технологик жараённинг самарадорлигини ва ишлов бериладиган маҳсулот сифатини ошириш имконияти яратилган;

тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун валикли тажриба машинасига дастлабки талаблар тасдиқланган («Ўзчармсанот» уюшмасининг 2021 йил 21 сентябрдаги ФБ-7/2481-сон маълумотномаси). Натижада, икки қатламли тери хом ашёларга механик ишлов бериш учун технологик жараённинг самарадорлиги 2 марта юқори валикли тажриба машинасини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

бир неча қатламли тери хом ашёларга механик ишлов бериш учун такомиллашган технологик жараёнининг натижалари ва валикли машинани ҳисоблаш усули «Premium Leather» МЧЖда жорий этилган (Ўзчармсанот уюшмасининг 2021 йил 21 сентябрдаги ФБ-7/2481-сон маълумотномаси). Натижада, тери хом ашёларга механик ишлов бериш учун технологик жараённинг самарадорлигини 2 марта оширишга эришилган;

вертикал узатишда тери хом ашёсини валлар орасига қамраб олинишини ва валикли машина ишчи органларининг босимини ҳисоблаш учун дастурий маҳсулотлар «Nigora Dadido» МЧЖда лойиҳалаш жараёнида қўллаш учун топширилган (Ўзчармсанот уюшмасининг 2021 йил 21 сентябрдаги ФБ-7/2481-сон маълумотномаси). Натижада, тери хом ашёларга механик ишлов бериш учун такомиллаштирилган валикли машинанинг саноат шароитида эгаллайдиган ишчи майдони 1,5 мартага қисқартириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола республика, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 1 та ихтирога, 3 та фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Ўзбекистонда чарм саноати хом ашё базасининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида тадқиқ қилинган масалани замонавий ҳолати бўйича юртимиз, хорижий адабиётлар, интернет маълумотлари ва республика чарм саноатининг ривожланиши тенденциялари ўрганилган. Тери хом ашёсига механик ишлов бериш сифатини баҳолашнинг омиллари ва усуллари тадқиқ қилинган.

Тери хом ашёси таркибидаги намликни юқори ва пастлиги тайёрланадиган чармнинг якуний сифатини шакллантиришда тери хом

ашёсига ишлов беришнинг рандалаш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ўрганишлар натижасида тери хом ашёсига ишлов бериш учун валикли технологик машиналарнинг асосий қурилмалари ва механизмларини ривожланиш тенденцияси аниқланди. Кўпчилик йирик чарм ишлаб чиқарувчилар тобора кичик ўлчамли, ихчам ва мобил технологик машиналарни қўллашга ўтиб бормоқда, бу эса жаҳон иқтисодиётининг замонавий талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни тезлик билан қайта йўналтирилишга қўшимча имкониятларни яратиши аниқланди. Шу сабабли, диссертант томонидан ҳўл тери хом ашёсини сиқиш учун валикли машинанинг такомиллаштирилган конструкцияси таклиф қилинмоқда (1-расм) ва уни қўллаш эвазига хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилашга, тери хом ашёсига механик ишлов беришдаги сиқиш



1-расм. Таклиф қилинаётган валикли машинанинг схемаси:

1-станина, 2-тишли ғилдирақлар, 3-юлдузчалар, 4-сиқувчи валлар, 5-тери хом ашёси, 6-босим механизми, 7-таянч плита, 8-электродвигатель

сиқувчи валлар орасидан таянч плитага эгик осилган тери хом ашёсини тортиб олиш жараёни кўриб чиқилган (2-расм).

Айланувчи сиқувчи валлар орасидаги таянч плитага эгик осилган тери хом ашёсини тортиб олиш шарти аниқланди:

$$\alpha_{\text{зах}} \leq \arccos \left[\frac{2(r + h_0) + \tau_{\text{ов}} - d_{\text{пл}} - 2t_{0\text{к}}}{2(r + h_0)} \right], \quad (1)$$

бу ерда, r –ишчи валнинг радиуси; h_0 –ишчи вал қопламасининг қалинлиги; $\tau_{\text{ов}}$ –ишчи валлар оралигидаги дастлабки тирқиш; $d_{\text{пл}}$ –таянч плитанинг қалинлиги; $t_{0\text{к}}$ –тери хом ашёсининг қалинлиги.

жараёнининг вақтини 1,5–2 марта камайтиришга хизмат қилади.

Тери хом ашёсига ишлов беришнинг тоза «яшил» технологияларига ўтилиши атроф–муҳит, экология ва инсонлар саломатлигини сақлашнинг кафолати эканлиги аниқланди.

Диссертация ишининг «Таянч плитага эгик осилган ҳўл тери хом ашёсидан намликни сиқиб чиқаришнинг назарий тадқиқотлари» деб номланган иккинчи бобида вал жуфтлигининг ишлов бериш зонасига занжирларни таранглиги остида вертикал йўналишда, эластик қопламали

Тери хом ашёсини таянч плитада вертикал текислик бўйича тортиб олинганда ишчи валлар орасидаги дастлабки тирқиш $\tau_{об}$ вал жуфтлиги билан тери хом ашёсини сифатли илиб олинишига ёрдам беради, чунки илиб олиш хусусияти кўпинча валларнинг қамров бурчагига боғлиқдир.

Понасимон таянч плитани валлар орасидан тортиб олиниши жараёни кўрилган. Бунда таянч плитаси ишчи валлар билан, уларни босимини инobatга олган ҳолда, тегиб туриши ҳолати кўрилган (3-расм). Бунда қўйидаги омиллар инobatга олинган:

t –тери хом ашёсини ишчи валлар билан контактда бўлиш вақти; R –ишчи валлар радиуси; P –ишчи валлар орасидаги босим; c_* –эластик элементлар бикрлиги ва бошқалар.

$t > 0$ да, тери хом ашёси юқорига қараб ҳаракатланади, валлар орасидаги босим ортади ва O_1 нуқтаси D нуқтасига етганда максимал қийматига эришади.

Валлар бикр бўлганда вақтнинг қиймати қўйидаги формуладан аниқланади:

$$t_{\max} = \frac{O_1 D}{V} = \frac{\sqrt{r(r + 2R)}}{V}, \quad (2)$$

бу ерда: r –кичик айлананинг радиуси; R –валларнинг радиуси; V –таянч плитанинг тезлиги.


Тери хом ашёсининг ҳар бир томонига тушадиган максимал босим эса қўйидагини ташкил этади:

$$P_{\max} = \frac{1}{2}(P_0 + c_* r), \quad (3)$$

бу ерда: c_* –эластик элемент бикрлиги; P_0 –таянч плитанинг валлар билан контакт нуқталаридаги босими.

Босимнинг оралиқ ўзгаришини қўйидагича аниқлаймиз. $t > 0$ бўлганда, тери хом ашёси юқорига қараб кўтарилаётганда, сиқувчи валлар оралиғи очилиб боради.

Маълум вақтда r ва R радиуслар айланалари бир-бирига тегади, бунда сиқувчи вал дастлабки ҳолатига нисбатан қўйидаги катталikka кўчади:



2-расм. Валлар орасига ясси таянч плитада тери хом ашёсини узатишни ҳисоблаш схемаси

$$x - CC' = d_1 = \sqrt{r^2 - \left(\frac{r\sqrt{r+2R}}{n\sqrt{R^2+r(r+2R)}} - \frac{r}{\sin \alpha} \right)^2} - \frac{rR}{\sqrt{R^2+r(r+2R)}}. \quad (4)$$


Сиқувчи валлар тери хом ашёсига тегиб турган ҳолдаги улар орасидаги босимнинг ўзгариши кўрилган.

3-расмдан кўришиб турибдики, ўнг (чап) сиқувчи валнинг тери хом

ашёсига уриниши нуктасидан бошлаб босим ортиб боради ва кўйидаги қийматга эга бўлади:

$$P_1 = \frac{1}{2}(P_0 + c_* d_1). \quad (5)$$

Бу ерда (5) формула бўйича аниқланувчи максимал босим 4, *a* – расмда кўрсатилган монолит таянч плитаси учун бажарилган таянч плитаси шаклига ва уни перфорация даражасига ҳам боғлиқдир (4, *б* – расм). Шундай қилиб, масалан, ғоваксимон таянч плитаси учун 4, *в* – расм, максимал кесимларда горизонтал текисликлар билан d_n кесмасида m_1 ғоваклиги




3-расм. Вал жуфтлиги орасидан понасимон таянч плитани узатилишини ҳисоблаш схемаси

билан,

$$d_n = r - \frac{rR}{\sqrt{R^2 + r(r+2R)}},$$

P_n босим пасаяди, бу пружина бикрлигини камайишига тенгдир.



4-расм. Таянч плитасининг конструкциялари:
a – монолит; *б* – перфорацияланган; *в* – ғоваксимон

Перфорацияланган таянч плитаси 4, *б* – расм, ғовакли танч плита учун 4, *в* – расм тегишли c_* бикрликдаги пружинлар танланади ва кўйидаги формуладан босимни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин:

$$P_n = \frac{1}{2}(P_0 + c_* d_n), \quad (6)$$

Бу ерда: c_* тажриба йўли билан аниқланади.

Учлари думалоқланган текис таянч плитага эгик ҳолатда осилган тери хом ашёсининг вертикал ҳолати учун масала ечилган (5-расм).

Ушбу ҳолат учун, яъни таянч плитада эгик осилган ва ишчи валикли жуфтлик орасидан узатилаётган тери хом ашёси ҳаракат тенгламаси Лангранжнинг иккинчи тур тенгламасидан фойдаланган ҳолда тузилди.

Ушбу ҳолатда, таянч плитанинг кинетик энергияси кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T_1 = \frac{1}{2}m_1\dot{y}^2, \quad T_2 = \frac{1}{2}m_2\dot{y}^2, \quad T_3 = \frac{1}{2}m_3\dot{y}^2 \quad (7)$$

Бу ерда: T_1 – тортувчи занжирнинг кинетик энергияси; T_2 – тери хом ашёсининг кинетик энергияси; T_3 – таянч плитанинг кинетик энергияси; m_1 – тортиш занжирининг массаси; m_2 – тери хом ашёсининг массаси; m_3 – таянч плитанинг массаси.

(7) тенгламани кўйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$T_{123} = \frac{1}{2}(m_1 + m_2 + m_3)\dot{y}^2. \quad (8)$$

5-расмдан кўришиб турибдики, ишчи валлар симметрик ҳаракатланади ва горизонтал текисликда текис параллел ҳаракат қилади, уларнинг кинетик энергияси эса кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T_4 = T_5 = \frac{1}{2}m_4\dot{x}^2 + \frac{1}{2}J_{O_1}\omega_1^2,$$


бу ерда, T_4, T_5 – ишчи валларнинг кинетик энергияси; m_4 – ишчи валлар массаси; J_{O_1} – маркази O_1 нуктада жойлашган ишчи валнинг инерция моменти; ω_1 – ишчи валнинг бурчак тезлиги.

Валларнинг айлантирувчи моменти $M_{a\ddot{a}n}=0$ хусусий ҳол учун қуйидаги муносабатни келтирамиз:

$$m(R+r)^2\omega^2 \sin 2\alpha = (G-P)(R+r)\cos \alpha - 2Q(R+r)\sin \alpha.$$

Маълум алмаштиришлардан ва қисқартиришлардан сўнг, қуйидаги шартни қабул қиламиз:

$$0 < \alpha \leq \arctg \left(\frac{G-P}{2Q} \right). \quad (9)$$




5-расм. Валлар орасидан текис таянч плитада тери хом ашёсини узатилишини ҳисоблаш схемаси

Бундан ишчи вални радиуси R ни α қамров бурчакка боғлиқ ҳолда ўзгаришининг тенгламаси олинди:


$$R = \frac{(G - P) \cos \alpha - 2Q \sin \alpha}{m \omega^2 \sin 2\alpha} - r, \quad (10)$$

бу ерда, G – тортувчи занжирнинг тортиш кучи; P – тортувчи занжирнинг, тери хом ашёси ва таянч плитанинг оғирлик кучи; $Q=Q_2=Q_3$ – ишчи валлар орасидаги босим; r – кичик айлананинг радиуси; ω – ишчи валнинг бурчак тезлиги.

Қўйилган масалани ечиш учун Windows Maple ҳисоблаш дастуридан фойдаланилган ва $Q=20$ Н (6, а – расм), б) $Q=40$ Н (6, б – расм), $M_{\text{айл}}=0$ бўлганда, берилган қийматлар бўйича α бурчакка боғлиқ ҳолда ишчи валнинг радиуси ўзгаришининг график ечимлари олинди.




а




б

6-расм. Ишчи вал радиуси R ни α бурчакка боғлиқ ҳолда ўзгариши: $M_{\text{айл}}=0$: а – $Q=20$ Н; б – $Q=40$ Н



а)



б)

7-расм. $\omega = 5 \text{ c}^{-1}$ бўлганда: а – $M_{\text{айл}}=0$ ва б – $M_{\text{айл}}=20 \text{ Н}\cdot\text{м}$ қийматлар бўйича ишчи вал радиуси R ни α бурчакка боғлиқ ҳолда ўзгариши

6-расмдаги олинган графиклардан кўришиб турибдики, агар занжирнинг тортувчи кучи етарли даражада бўлмаса, (9) шарт бажарилмайди. Унда ишчи валларнинг айлантирувчи моментларини инобга олиш керак бўлади.

Хусусий ҳолларни солиштириш учун, тери хом ашёсини ишчи вал жуфтлиги билан мажбурий ва эркин тортиб олинишида, $M_{\text{айл}}=0$ (7, а – расм) ва $M_{\text{айл}}=20 \text{ Н}\cdot\text{м}$ (7, б – расм) ҳолатлари учун, $\omega=5 \text{ с}^{-1}$ ўртачасини танлаб олинганда берилган қийматлар бўйича а бурчакка боғлиқ ҳолда ишчи вал радиуси ўзгаришининг графиги қурилди.

7-расмда олинган графиклардан кўришиб турибдики, ишчи валларни айлантирувчи моменти иштирокида валикли машинанинг вал жуфтлигининг қамров бурчагини маълум миқдорда ошириб бориш мумкин экан. Бунда таянч плита олд қисмининг радиуси қийматини ҳисобга олиш керак.

Вал жуфтлиги орасида ҳўл тери хом ашёсидан ортиқча суюқликни сиқиб чиқариш технологик жараёнини ўтказишда ишчи валларни мажбурий айлантирилиши жараённинг равон ўтишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида ишлов берилётган материални вертикал узатишда валикли машинанинг тортувчи занжирларини хизмат даврини ошишига таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «**Вертикал йўналишда ҳўл тери хом ашёсидан ортиқча суюқлигини сиқиб чиқариш жараёнини экспериментал тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон минтақаларида тайёрланган тери хом ашёлари, шунингдек намликни кетказувчи материалларнинг деформацион хоссалари экспериментал аниқланган.

Бунинг учун (босимга боғлиқ ҳолда) тери хома шёсининг деформацион хоссаларини аниқлаш учун қурилма лойиҳаланди ва тайёрланди ҳамда экспериментал тадқиқотлар бажарилди (8-расм).

Назарий тадқиқотлардан деформацияни босимга боғлиқлик тенгламалари олинди:

1. Тери хом ашёси учун (бел қисми - чепрак):

$$\varepsilon_{\text{ч}} = -4,4449 + 15,9306 \cdot \sigma - 6,6352 \cdot \sigma^2 + 8,8864 \cdot \sigma^3. \quad (11)$$

2. Тери хом ашёси учун (қорин қисми – пола):

$$\varepsilon_{\text{н}} = -124,6234 + 286,3747 \cdot \sigma - 204,6262 \cdot \sigma^2 + 49,2680 \cdot \sigma^3. \quad (12)$$

3. Тери хом ашёси учун (бўйин қисми – вороток):

$$\varepsilon_{\text{е}} = -3,5789 - 0,6979 \cdot \sigma + 13,0072 \cdot \sigma^2 - 2,7189 \cdot \sigma^3. \quad (13)$$

4. Намликни кетказувчи БМ материали учун:

$$\varepsilon_{\text{БМ}} = -28,4232 + 62,5300 \cdot \sigma - 40,3361 \cdot \sigma^2 - 9,2408 \cdot \sigma^3. \quad (14)$$


5. Намликни кетказувчи ЛАЩ материали учун:

$$\varepsilon_{\text{ЛАЩ}} = -99,0366 + 121,8463 \cdot \sigma - 49,4131 \cdot \sigma^2 + 6,7761 \cdot \sigma^3. \quad (15)$$


9-расмдаги тери хом ашёсини деформациясини сиқиш босимига боғлиқлигини экспериментал натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, сиқиш босими $2,5 \cdot 10^5$ Па бўлганда деформацияни тебраниши 46,6% дан сиқиш босими $50 \cdot 10^5$ Па бўлганда 23,7% гача ташкил этади. Бунда юкланишнинг бошланғич қисмида тери хом ашёси намуналари ва ишчи

валларнинг қопламаларининг деформацияси кескин ортиши кузатилди, сўнг эса бу боғлиқлик чизиқли характерга эга бўлиши аниқланди.

Тери хом ашёси қалинлигининг валлар орасидан таянч плитасида узатишда намликни сиқиб олишни технологик жараёнига таъсири экспериментал тадқиқ қилинган.




8-расм. Тери хом ашёсининг деформацион хоссаларини аниқлаш учун тажрибавий қурилма: 1-станина; 2-штанга; 3-цилиндр; 4-тери хом ашёси; 5-индикатор; 6-юк



9-расм. Тери хом ашёсининг қорин, бўйин, бел топографик қисмлари ва намликни кетказувчи БМ, ЛАЩ материалларининг валларни босимига нисбатан деформациясининг боғлиқлиги

Экспериментларни ишчи валлари горизонтал ўрнатилган ва маркаси ПП64С-250-25-76-40 бўлган ғовакли материалдан тайёрланган, қалинлиги 0,015 м, кенлиги 0,08 м ва узунлиги 0,14 м бўлган таянч плитага эга экспериментал валли стендда бажарилган.



10-расм. Тери хом ашёси намуналарини гуруҳларга бирлаштириш схемаси

Экспериментлар учун тери хом ашёлари сифатида хром оксиди билан ошланган енгил, ўртача ва оғир вазнли буқа териси танланган. Эксперимент учун тери хом ашёлари намуналарини ИСО 2588-85 (Тери. Намуналар танлаш. Умумий танлов учун намуналар миқдори. 2003 й. 01.01.2019 йилда актуаллаштирилган) Халқаро стандартга асосан $n = 0,2\sqrt{x}$ формуласи асосида танлаб олинган, бу ерда x –партияда тери хомашёлари сони, n – эксперимент учун тери хом ашёлари сони. Тери хом ашёсидан $x=2500$ дона олинди, бу ҳолда

$n = 0,2 \sqrt{2500} = 10$ дона. Бу 10 та тери хом ашёлардан кескич ёрдамида ўрта чизикка кўндаланг ҳолда $0,05 \times 0,25$ м ўлчамдаги намуналар қирқиб олинди ва рақамланди, сўнг намуналар 10-расмдаги схема бўйича 10 дондан гуруҳларга бирлаштирилди.

Экспериментни ўтказишдан олдин математик статистика усуллари билан талаб этилган аниқликни таъминловчи керакли ўлчамлар сони (тажрибаларни такрорийлиги) танлаб олинган. Ишчи матрицани уч омилли эксперимент учун К. Кано режалари матрицаси бўйича тузилган. Омилларни кодлаш қўйидаги формула бўйича амалга оширилган:

$$x_i = \frac{c_i - c_{i0}}{t_0}, \quad (16)$$

бу ерда: x_i – омил қийматини кодлаш; c_i, c_{i0} – жорий ва нол даражаларидаги омилни натурал қиймати; t_0 – омил ўзгариши интервалининг натурал қиймати.

Априор маълумотлардан ҳўл тери хом ашёсини ортиқча суюқлигини сиқиб чиқариш технологик жараёни ўрганиш асосида учта омиллар: x_1 – валлар босими P , кН/м; x_2 – узатиш тезлиги V , м/с; x_3 – тери хом ашёсини қалинлиги t , м танланди. Эксперимент омилларини ўзгариш даражалари ва интерваллари жадвалда келтирилган.

Эксперимент омиллари ўзгаришини интерваллари

Кўрсаткич	Омилни кодланган қиймати	Омилни натурал қиймати		
		x_1 , кН/м	x_2 , м/с	x_3 , м
Юқори даража	+	96	0,340	0,01
Асосий даража	0	64	0,255	0,007
Кўйи даража	–	32	0,170	0,004
Ўзгариш интервали		32	0,085	0,003


Номланган кўринишда қўйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$\Delta W = 20,64 + 5 \cdot 10^{-4} P^2 - 2,08 V^2 - 34,44 \cdot 10^{-3} t^2 + 0,095 P - 6,98 V + 358,92 t - 0,18 PV - 49,00 Pt - 1019,63 Vt. \quad (17)$$

Регрессия тенгламаси ёрдамида қисиш босими P , ўтказиш тезлиги V , тери хом ашёси қалинлиги t га боғлиқ ҳолда сиқиб чиқарилган суюқлик миқдори ΔW ни боғлиқлик графиклари олинди (11-расм).

Шундай қилиб, қалинлиги 0,007 м ва 0,01 м бўлган тери хом ашёларидан сиқиб чиқарилган суюқлик миқдори ΔW қалинлиги 0,004 м бўлган тери хом ашёсидан камроқ фарқ қилади. Бунга сабаб, тери хом ашёларида йирик ғоваклар миқдори унча фарқ қилмайди, коллаген боғлам қалинликлари ва уларни уралиши эса ҳудди шундай бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

Кейинги тадқиқотда таянч плитада вертикал узатилувчи ҳўл тери хом ашёларидан суюқликни сиқиб чиқариш технологик жараёнига тери хом ашёси қатламлари ва намликни кетказувчи материаллар (моншонлар) сони каби омиллар таъсири экспериментал аниқланган.



11-расм. Сиқувчи валлар босими $P=32$ кН/м (а), $P=64$ кН/м (б), $P=96$ кН/м (в); тери хом ашёсининг қалинлиги $t=0,004$ м, $t=0,007$ м, $t=0,01$ м бўлганда валлар орасидан тери хом ашёсини узатиш тезлиги V га боғлиқ ҳолда сиқиб чиқарилган суюқлик ΔW миқдорининг ўзаро боғлиқликлари

Эксперимент махсус стенда ўтказилган (12-расм), унда диаметри 0,2 м бўлган сиқувчи валлар горизонтал ўрнатилган, таянч плитаси эса қалинлиги 0,005 м, кенглиги 0,1 м, узунлиги 0,3 м бўлган металл листдан тайёрланган.

Тери хом ашёси намуналарини эксперимент учун 10-расмдаги схема бўйича иккиланган, хромли ошлашдан сўнг, ўрта вазнли буқа терисидан олинган. Тадқиқотда сиқувчи валлар диаметри 0,2 м, БМ материали қопламаси 0,01 м, металл таянч плитаси қопламаси 2 қават ЛАЩ материали (ҳар бирининг қалинлиги 0,008 м) танланган (13-расм).

Эксперимент ўтказилишидан олдин математик статистика усуллари билан талаб этилган аниқликни таъминловчи керакли ўлчашлар сони танлаб олинган. Ишчи матрицани икки омилли эксперимент учун К.Кано режаси матрицаси бўйича тузилган. Номланган кўринишда регрессия тенгламалари олинди:

тери хом ашёсининг биринчи қатлами учун:


$$W_1 = 22,8776 + 0,0006 \cdot P^2 + 0,839 \cdot P + 57,4542 \cdot V^2 - 56,2041 \cdot V - 0,34 \cdot P \cdot V; \quad (18)$$

тери хом ашёсининг иккинчи қатлами учун:

$$W_2 = 12,7039 + 0,000036 \cdot P^2 + 0,2335 \cdot P - 53,5917 \cdot V^2 + 7,6889 \cdot V - 0,2574 \cdot P \cdot V. \quad (19)$$



12-расм. Хўл тери хом ашёсини суюқлигини сиқиб олиш учун валикли экспериментал стенд (ЎЗР ФА МИСМИ)




13-расм. Сиқиш зонасига хўл тери хом ашёлари ва намликни кетказувчи материалларни кўп қаватли пакетини узатиш схемаси: 1, 2 – сиқувчи валлар, 3, 4, 5 – намликни кетказувчи материаллар, 6 – тери хом ашёлари, 7 – таянч плита, 8 – тортувчи занжир

Узатиш тезлиги V ва валлар босими P турлича бўлганда хўл тери хом ашёсидан фойизда сиқиб чиқарилган суюқлик миқдори W нинг боғлиқлик графиги қурилган (14-расм).

Тадқиқ қилинаётган ўрта вазнли буқа терисидан олинган тери хом ашё намуналари учун қорин қисмларида намлиги 73% га етади, бел қисмида эса 65% га етади.

Сиқилгандан сўнг тери хом ашёсидаги қолдиқ намлиги эса тери турига қараб 55–60% бўлиши керак. Экспериментал тадқиқотда эса қолдиқ намлик 60% атрофида бўлиши керак эди. Демак, валикли машинада сиқишда кўпи билан 13% суюқликни чиқариш керак бўлган. Бунда, хўл тери хом ашёси 0,34 м/с тезлик билан узатишда ва



14-расм. Валлар босими $P=32$ кН/м, $P=64$ кН/м, $P=96$ кН/м бўлганда валлар орасидан тери хом ашёсини ўтказилиши тезлиги V га сиқилган суюқлик миқдори W ни боғлиқлиги: 1 – тери хом ашёнинг биринчи қатлами; 2 – тери хом ашёнинг иккинчи қатлами

сиқувчи валларни 32 дан 96 кН/м гача босимда суюқликни сиқиб чиқариш мумкин бўлади.

14-расмдаги эксперимент натижалари, хўл тери хом ашёларини бирданига сиқишда иккита тери хом ашёларидан (қатламлардан) ортиқча суюқлигини сиқиб чиқариш мумкинлигини кўрсатди, бу эса валикли машина самарадорлигини икки мартага ошириш, шунингдек, хўл тери хом ашёлардан суюқлигини сиқиб чиқариш учун энергия сарфини камайтириш имкониятини беради.

Диссертациянинг «**Тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун такомиллаштирилган валикли машинани амалиётга жорий этишдан техник-иқтисодий самарадорлик**» деб номланган тўртинчи бобида мавжуд ва таклиф қилинаётган валикли машина варианты иқтисодий самарадорлигини баҳолашда таққослашнинг умумий шартлари ва тадқиқот самараси кўрилган.

1. Базавий валикли машина сифатида тери хом ашёларни сиқувчи ВОПМ-1800-К валикли машинаси қабул қилинган;

2. Ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, қўллаш соҳалари, функционал аҳамияти солиштирилаётган вариантлар учун бир хил ва чарм саноатида тери хом ашёларининг хил турларидан суюқлигинини сиқиб чиқариш учун қўлланилади;

3. Валикли машиналар параметрларини солиштиралаётган кўрсаткичларини баҳолаш учун бир хил маълумотдан фойдаланилган. Баҳолаш 2020 йил кўрсаткичлари асосида ўтказилган, «Premium Leather» МЧЖ (Кўкон ш.).

Вариантларни солиштирилганда «Premium Leather» МЧЖда ВОПМ-1800-К валикли машинасини амалда эришилган эксплуатация даражаси қўлланилган. Диссертация ишининг натижалари самараси қўйидагича:

- иқтисодий–эришиладиган даромад;
- ижтимоий-илмий – янги техник ечимларни интеллектуал мулкнинг муаллифлик-ҳуқуқий ҳимояси.

Тери хом ашёсига механик ишлов бериш учун валикли машинани иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган. Солиштирилаётган валикли машиналарни техник-иқтисодий кўрсаткичлари, 1000 та тери хом ашёларга ишлов беришнинг таннарҳи ва маблағ сарфини ёрдамчи ҳисоблари асосида битта такомиллаштирилган валикли машинани амалиётга жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилган.

Шундай қилиб, ҳисоблар бўйича валикли машинани такомиллаштирилган конструкциясини амалиётга жорий этиш ва уни ҳисоблаш методикасини қўллашдан кутилаётган иқтисодий самара битта валикли машина учун йилига 77 064 732 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар асосида диссертация бўйича қўйидаги хулосалар қилинади:

1. Технологик валикли машиналар яратишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди ва таҳлил қилинди ҳамда уларнинг конструкцияларини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган янги техник ечимлар ишлаб чиқилди.

2. Хўл тери хом ашёсининг топографияси бўйича ортиқча намлигини айланувчи валлар орасида бир текисда сиқиб чиқариш учун жараён бошланиб тугашигача ишчи валлар босими бир хилда таъминланиши кераклиги назарий аниқланди. Бунда таянч плитанинг шакли ва конструкцияси катта аҳамиятга эга бўлади.

3. Монолит, перфорацияланган ва ғоваксимон таянч плиталарнинг конструктив жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, уларга таъсир этадиган валлар босимини аниқлайдиган формулалар келтириб чиқилди.

4. Ишчи валларнинг айлантирувчи моменти мавжуд бўлган ҳолатда таянч плита учидаги думалоқлик радиусининг қийматини ошириб бориш мумкинлиги назарий аниқланди. Бунда ишчи валларнинг мажбурий айлантирилиши тортувчи занжирларнинг хизмат муддатига ижобий таъсир кўрсатади, чунки уларнинг барвақт чўзилишинининг олди олинади.

5. Ишчи валларнинг горизонтал ва ёйсимон траектория бўйлаб ҳаракатланишининг шартлари назарий аниқланди. Иккита ҳолатлар учун ишчи валлар радиусини ўзгаришининг улар билан ишлов берилаётган тери хом ашёсини қамраб олиниши бурчагига боғлиқлиги графиклари тузилди.

6. Хўл тери хом ашёсининг топографик бел, қорин ва бўйин қисмлари намуналарининг ортиқча намлиги сиқиб чиқарилгандан кейинги ва ишчи валлар БМ ва ЛАШ қопламаларининг деформацион хоссалари экспериментал аниқланди.

7. Кўп қатламли тери хом ашёларни намлигини сиқиб чиқариш усулига ихтиро асосида иккита хўл тери хом ашёлардан ортиқча суюқлигини бир вақтда сиқиб чиқаришни шимувчи материаллар – моншонлар ёрдамида амалга ошириш мумкинлиги экспериментал тасдиқланди ва бу валли машина самарадорлигини икки мартага ошириш имконини беради.

8. Айланувчи сиқувчи валлар орасидан металлокерамик ғовакли таянч плитани қўллаган ҳолда хўл тери хом ашёсини бир маротаба ўтказилганда ишчи валларнинг диаметри 0,3 м ва минимал босими $P_{\min}=32$ кН/м ва узатиш максимал $V_{\max}=0,34$ м/с бўлганда сиқиб чиқарилган суюқликнинг минимал миқдори $\Delta W_{\min}=11,7\%$ бўлиши, валлар босими максимал $P_{\max}=96$ кН/м ва узатиш тезлиги минимал $V_{\min}=0,17$ м/с бўлганда хўл тери хом ашёсидан сиқиб чиқарилган суюқликнинг минимал миқдори $\Delta W_{\min}=30,4\%$ бўлган технологик кўрсаткичлари аниқланди.

9. Металл таянч плитада икки қатлам хўл тери хом ашёлари орасида моншонлар жойлаштириб, диаметри 0,2 м айланувчи ишчи валларнинг орасида сиқилганда минимал босим $P_{\min}=32$ кН/м ва узатиш тезлиги

максимал $V_{\max}=0,34$ м/с бўлганда талаб этиладиган сиқиб чиқарилган суюқликнинг минимал $\Delta W_{\min}=13\%$ ва максимал миқдори $\Delta W_{\max}=24\%$ бўлган технологик кўрсаткичлари аниқланди.

10. Такомиллаштирилган валикли машинани амалиётга жорий этиш ва уни ҳисоблаш методикасини қўллашдан кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 77 064 732 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ

НАБИЕВ АЙДЕР МУСТАФАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВАЛКОВОЙ МАШИНЫ
ДЛЯ МЕХАНИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ КОЖЕВЕННОГО
ПОЛУФАБРИКАТА**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/T738.

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)), размещен на веб-странице Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Бахадиров Гайрат Атаханович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шин Илларион Георгиевич
доктор технических наук, профессор

Ибрагимов Фарход Хайруллоевич
PhD

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «4» апреля 2022 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №131). 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «18» марта 2022 года.

(реестр протокола рассылки №131 от «18» марта 2022 года).



И.К. Сабиров
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор технических наук

А.З. Маматов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р. Ханхаджаева
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире производство кожевенного сырья, готовой кожи и кожаной обуви играет важную роль в международной торговле. «Учитывая, что ежегодное производство шкур крупных и мелких рогатых животных в мире составляет более 1700 км²»¹, следовательно требуется разработка и внедрение технологических машин, обеспечивающих высокий уровень качества готовой кожи. В связи с этим, важным является использование высокопроизводительных способов и технологических машин для обработки кожевенного сырья в производстве качественных кожаных изделий и товаров с высокой добавленной стоимостью.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений по созданию высокоэффективных валковых технологических машин для обработки кожевенных полуфабрикатов. В этой связи особое внимание уделяется разработке и совершенствованию способов и технологических машин, обеспечивающих высокую производительность в процессах обработки кожевенного полуфабриката, а также обоснованию параметров и рабочих режимов технологического процесса.

В республике осуществляются комплексные меры и достигаются определенные результаты по разработке высокопроизводительных способов и техники, снижающих трудовые и энергетические затраты и повышающих эффективность технологических процессов при обработке кожевенного полуфабриката. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы обозначены важные задачи, в частности, «... увеличение объема производства продукции из кожевенного сырья, готовой обувной и кожгалантерейной продукции к 2026 году, путем заполнения существующих пробелов в производстве импортозамещающей продукции ...»². В реализации этих задач большое значение имеет создание технически и технологически модернизированных технологических машин, выполняющих технологические требования при качественной обработке кожевенных полуфабрикатов и заготовке кожевенных изделий.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП–60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» и Постановлением Президента Республики Узбекистан от 8 февраля 2021 года № ПП–4982 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию кожевенно-обувной и пушно-меховой отраслей», а также другими соответствующими нормативно-правовыми документами, относящимися к данной сфере.

¹<https://sber.pro/publication/kozhandy-profitit-kak-kozhevennaia-otrasl-perezhivaet-pandemiiu>.

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП–60 от 28 января 2022 г. «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение»; ППИ-3. «Энергетика, энерго- ресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение»: «Создание высокопроизводительных машин и оборудования, приборов, эталонных средств, методов измерений и контроля для отраслей экономики».

Степень изученности проблемы. Научными исследованиями по разработке способов и совершенствованию конструкций валковых машин за рубежом занимались Т.Witt (Германия), S.Ponsubbiah (Индия), L.Olle (Испания), И.В.Дарда, С.П.Поломошных, И.Р.Татарчук, Н.Г.Владыкин, М.Ю.Берселева, Ю.М.Калашникова, В.Т.Проخورов, Д.В.Рева (Россия), Ш.А.Койайдаров (Казахстан). По определению физико-механических свойств кожевенного полуфабриката, разработке технологических машин и повышению качества продукта проведены исследования А.Данилковичем (Украина), Y.Zhang, S.J.R.Kelly, Katie H.Sizeland (Новая Зеландия), И.Ш.Абдуллиним (Россия), М.Ш.Шардарбеком (Казахстан) и другими. Исследования по созданию технологических машин для обработки кожевенного полуфабриката и развитию их научных основ выполнены В.Д.Раднаевой, А.В.Островской, В.И.Беляевым, В.А.Ивановым, Ю.Н.Коротченко, С.В.Ершовым, К.Ю.Островским, Л.А.Каплиным, А.В.Подъячевым, В.В.Сторожевым, А.Г.Бурмистровым (Россия) и др.

В республике исследования по процессам обработки кожевенного полуфабриката, кожи и обуви и обоснованию параметров технологических машин для их осуществления проведены Т.Ю.Амановым, Г.А.Бахадировым, К.Н.Анарбековым, А.Абдукаримовым, Ш.Р.Хуррамовым, Г.Н.Цой, К.Хусановым, Т.Ж.Кодировым, У.М.Максудовой, Ф.У.Нигматовой, М.К.Расуловой, С.Максудовым, И.Г.Шин, Д.И.Шин и др.

Хотя технологические машины, разработанные в результате этих исследований, использовались с определенными положительными результатами в кожевенной промышленности, было проведено недостаточно исследований для разработки высокоэффективной валковой машины для отжима избыточной жидкости из мокрого кожевенного полуфабриката и обоснования ее рабочих режимов.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института механики и сейсмостойкости сооружений АН РУз: АЗ-ФА-0-17872/АЗ-ФА-Ф056 «Разработка методов расчета, проектирования новой конструкции джина и исполнительных механизмов, кожевенных валичных отжимных, разводных машин» (2012–2014 гг.), АЗ-К-3-017+К-5-002 «Совершенствование и создание высокопроизводительных, ресурсосберегающих устройств и

механизмов валковых технологических машин с учетом свойств обрабатываемого материала» (2015–2017 гг.).

Целью исследования является совершенствование конструкции валковой отжимной машины для механической обработки кожевенного полуфабриката и обоснование ее эффективности.

Задачи исследования:

разработать основы теоретических и экспериментальных исследований для совершенствования конструкции валковой машины при отжиге кожевенных полуфабрикатов с их вертикальной подачей;

экспериментально определить деформационные свойства кожевенного полуфабриката и влагоотводящих материалов;

